

Самарқанд вилояти

ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАСИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САНОАТИДА "8 МАРТ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР. БИР ПАЙТЛАР ИНҚИРОЗ КЎЧАСИГА КИРИБ ҚОЛГАН БУ УЛКАН КОРХОНА ҲОЗИРДА ЎЗ МАВҚЕИНИ ТИКЛАМОҚДА. БУ ТИЗИМДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА ЖАЛБ ҚИЛИНАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАСИДИР.

Корхонани қайта реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишлари учун тизимли равишда инвестиция киритилмоқда. Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами кенг. Шу босис, модернизация 2010-2013 йилларга мўлжалланиб, уч босқичда амалга ошириладиган бўлди. Илк босқичда, яъни 2010 йилда 1,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳаллий инвестиция киритилди ва 700 минг АҚШ доллари Япониядан замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Шунингдек, икки миллиард сўмлик қайта таъмирлаш ишлари бажарилди. Натихада 100 янги иш ўрни яратилиб, корхона ишчилари сони 400 нафарга етди.

Янги асбоб-ускуналар келтирилгани ва реконструкция ишлари корхона ишлаб чиқариш қувватига ижобий таъсир кўрсатди. Утган йилнинг ўзида уч миллиард 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Асосийси, корхона маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардорлиги бир неча баробарга ортди.

Жумладан, корхона 2011 йилда 130 минг АҚШ доллари миқдоридa маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилнинг утган даврида хориқга экспорт қилинган маҳсулотлар сифати ва ҳажми янада ошди. — Ҳозирда инвестиция дастурининг сўнгги босқичига тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди корхона раҳбари Исмат Аманов. — Шу мақсадда икки миллион евро ва 350 минг АҚШ доллари миқдоридa инвестиция киритиш мўлжалланган. Ушбу сармоёга Япониядан матонни бўяш ускуналари келтириш режалаштирилган. Замонавий технологиялар ўрнатилгач, корхонамизда бир кеча-кундузда етти тонна маҳсулотни жаҳон андозаларига мос равишда бўяш имконияти яратилди. Шунингдек, реконструкция ва қайта таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Модернизация туфайли корхонада яна 100 та янги иш ўрни яратилди.



Корхона ишчилари — назоратчи Лола Худойбердиева, муҳандис Гулсара Азимова ва бригада бошлиғи Ситора Нарзикулова.



Бригада бошлиғи Ситора Нарзикулова тикувчи Раёхона Жалилова билан.

Иккинчи босқичда эса 940 минг АҚШ доллари миқдоридa маҳаллий инвестиция киритилиб, 350 минг АҚШ доллариغا Тайвандан ип-каваларлари ўраш ускуналари келтирилди. Қолганига Австралиядан станоклар харид қилинди. Бундан ташқари, 1,5 миллиард сўмлик қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натихада яна 50 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

Жамиятда ишчиларнинг кўнглидагидек меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Кенг ва ёруғ, балан шифтли цехларда замонавий технологиялар босис иш жараёнида шовқин деярли сезилмайди. Бепул тушлик ташкил этилган. Ишчиларга корхона автобуслари хизмат қилади.

Бугунги кунда корхонада икки юздан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, уларнинг 90 фоизини болалар трикотажи ишлари ниҳоясига етказилди. Модернизация туфайли корхонада яна 100 та янги иш ўрни яратилди.

касб-хунар коллежи билан мунтазам алоқада. Яратилаётган янги иш ўринларига, аввало, ушбу коллежлар битирувчилари жалб этилади. Икки йил мобайнида бир неча ой корхонада амалиёт ўтаган ёшлар бу ердаги муҳит ва иш жараёни билан яқиндан танишади, тажриба орттиради. Демакки, иш ўрнини аниқлаб олади. Ҳа, корхонада ана шундай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг асосий омили эса модернизациядир.

Ақбар ҚАРШИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Алишер ИСРОИЛОВ
(ЎЗА) олган суратлар

Қашқадарё вилояти

ТАДБИРКОР АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАЯЙЧИ

Қарши шаҳар маданият ва истироҳат боғида оилавий тадбиркорлик ривожлантиришга бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Марказий банк вилоят бошқармаси ҳамда меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофазат қилиш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмали семинарда Қарши шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг масъуллари, оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган хотин-қизлар ҳамда касб-хунар коллежи битирувчилари иштирок этди.

нездаги иштирокини таъминлаш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун асосида яратилган имтиёз ва имкониятлар, оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари хусусида сўз юритилди.

Тадбир сўнгида оилавий тадбиркорликни яхши йўлга қўйган оилалар иштирокида "Кўли гулдири ўзбек аёли" кўргазмаси ташкил этилди. Фойиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хусан ТЕМИРОВ

Хоразм вилояти

«КОТОНТЕХ» КАВАЛАРИ ЭКСПОРТГА

Боғот туманидаги «КОТОНТЕХ» кўшма корхонаси замонавий технологиялар асосида жиҳозланган бўлиб, унда 120 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Айниқса, ип-йиғирув цехида тайёрланаётган ип-каваларлар, трикотаж ҳамда тикувчилик маҳсулотлари сифатлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

— Корхонамизда жорий йилнинг утган 6 ойи давомида 1192 тонна, яъни 4595,5 миллион сўмлик турли хил ассортиментдаги ип-кавала ишлаб чиқарилди, — дейди корхона директори Файрат Жуманиёзов. — Маҳсулотларимизнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида корхонамиз томонидан 1187 тонна — 2407 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот чет эллик харидорларга сотилди.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Сурдарё вилояти

ОҚОЛТИ АДРАСЛАРИ МАРФИЛОННИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Оқолтинлик тадбиркор Нурали Одинаев "Ўзмиллибанк"нинг Сурдарё филиалидан 65 миллион сўм кредит олиб, шу йилнинг март ойида пилани қайта ишлайдиган цех фаолиятини йўлга қўйган эди. Яқинда тадбиркор яна бир эзгу ишга қўл урди.

"Ипак Шердор-Шерозий" корхонасида бир кунда уч хил рангдаги 200 метр адрас ишлаб чиқарилган 7 та тўкув дастгоҳини олиб келиб ўрнатди. Соҳанинг моҳир устаси бўлган марфилонлик Абдубанноп Маматбоев 7 нафар кизга тўкувчилик сирларини пухта ўргатди. Пилани қайта ишлаш ва адрас тўкув цехида 30 нафар ёш киз доимий иш билан таъминланди.

чқараётган кизлар кўпчиликини ташкил этади. Нигора Машрапова, Хуршида Жўраева, Маҳмамай Норматовалар дастгоҳда тўқилган адрасларни кўриб қувонасиз. — Пилла хомашёси қайта ишланиб, ипак ва адрасга айлантирилганда катта даромад келтиради, — дейди "Ипак Шердор-Шерозий" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нурали Одинаев. — Тадбиркорларга юртимизда яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни секин-аста кенгайтиряймиз. Олинаётган фойда ҳисобидан яна 3 та тўкув дастгоҳи келтириб, ишлаб чиқариш суръатини оширмоқчимиз.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Дунёда ва минтақамизда юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, халқаро ва минтақавий тараққиётнинг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг принципиал нукта назарига мувофиқ Концепцияда қуйидаги асосий қоидалар баён этилган:

Ўзбекистон Республикаси давлатининг, халқнинг олий манфаатларига, фаровонлиги ва ҳафсизлигига, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга амал қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек, улардан чиқиб хуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритиши ва ҳарбий-сиёсий блоклардан иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиб хуқуқини ўзида сақлаб қолади; Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги қуроли зиддиятларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хориқий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди.

Конституцияга, «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунга ва Харбий доктринага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудудининг

яқлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва ҳафсизлигини асраш мақсадидагина тузилади ҳамда хориқдаги тинчликпарварлик операцияларидан иштирок этмайди.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари ва сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинди.

ЎзЛидеП фракцияси депутатлари шуни таъкидладиларки, Ўзбекистоннинг 20 йилдан ортиқ мустақил тараққиёт даврида ҳар томонлама пухта ўйланган ҳамда миллий манфаатларга асосланган, дунёда кенг эътироф этилган ва жаҳон ҳамжамиятида мамлакатнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаган ташқи сиёсий йўли шаклланди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ўтган йилгирма йилдан ортиқ давр мобайнида эришилган амалий тажрибага таяниб, фаол, дадил ва мунтазам ташқи сиёсий йўлни амалга ошириш талаб этилаётган XXI асрнинг тинимсиз ўзгариб бораётган халқаро сиёсий вазиятини ҳисобга олган ҳолда қурилмоқда.

«Адолат» СДП фракцияси акадрили таъкидлаганидек, Концепцияда Ўзбекистон халқаро хуқуқнинг тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, суверенитетни, ҳудудий яқлитлиқни ҳурмат қилиш, чегараларнинг даҳлсизлиги ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мунозаралари масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, шунингдек, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдиқ қилмаслик қабул устувор принципларига содиқ бўлиб қолиши

га алоҳида ўрин берилган.

Муҳокамалар чоғида ЎзХДП фракцияси депутатлари Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси бўлиб, мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақа билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидладилар. Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари билан муносабатларда доимо очик, дўстона ва прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб қолади, минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммолар ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро хуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлайди. Концепцияда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё муаммолари ташқи кучлар аралашувисиз, минтақадаги давлатларнинг ўзи томонидан ечилиши кераклиги тўғрисидаги нуктаи назари аниқ баён этиб берилган.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидладиларки, хозирги босқичда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий вази-фаларидан бири, Концепцияда назарда тутилганидек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга кўмаклашишдан иборатдир. Ҳужжатда Ўзбекистон ўзининг Афғонистонда узоқ муддатли барқарорлик ва тинчлик сақланишининг қатъий тарафдори эканлигини ҳамда тарихий тажрибани ҳисобга олиб, бу мамлакатта инсубатан аънаваный тарзда яхши қўшничилик ва дўстона сиёсат юритаётганлиги таъкидланади. Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига

аралашмаслик принципларига риоя этилиши тарафдори ва у билан ўз муносабатларини икки томонлама асосда, ҳар иккала мамлакатнинг миллий манфаатлари ва халқаро хуқуқнинг умум қабул қилинган нормаларини ҳисобга олиб, Афғонистон халқи танлайдиган йўлни ҳурмат қилган ҳолда йўлга қўяди.

Экологик ҳаракатдан сайланган депутатларнинг фикрларига кўра, Концепцияда трансчегаравий сув ҳавзалари ресурсларидан фойдаланиш масалаларида Марказий Осиё мамлакатларининг ягона нуктаи назари йўқлиги туфайли ушбу сув ҳавзаларидан фойдаланишнинг ҳал этилмаган ҳаётий муҳим муаммоларига ҳамда айрим давлатлар сувадан биргаликда фойдаланиш соҳасидаги давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи халқаро хуқуқ нормаларини инкор этаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Концепцияда таъкидлаганидек, Ўзбекистон минтақадаги барча экологик муаммолар ўзаро манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқаро хуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлайди. Батафсил муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиб, мазкур ҳужжат кўриб чиқиб ушун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати

Тошкент вилояти

Кимдир ўзгалар назарига тушиш учун етти маҳаллага етгудек дангиллама тўй қилади. Кимдир эса ҳашаматли уй қуриб, оғизга тушгиси келади. Яна бошқа бир тоифа одамлар борки, камтарлиги, самимияти, маънавияти, фарзандларининг одоб-ахлоқи, оиласидаги тотувлик, ҳамжамиятилик билан барчага ўрнак бўлади. Қарийб қирқ йилдан бунён муаллимлик касбини улуғлаб келётган Ҳикматилла ака Олимов ҳам ана шундай инсонлардан.

ФАЙЗЛИ ХОНАДОН СОҲИБЛАРИ

Паркент туманидаги Санганак қишлоғида яшовчи Ҳикматилла ака ҳақида мақола ёзиш учун борар эканмиз, йўлда ёшгина йигит бизга ҳамроҳ бўлди. Уни гапга солиб, Ҳикматилла ака ҳақида сўрадик. "Яхши инсон", деди йигит гапни лўнда қилиб.

— Мактабда директор бўлиб ишлайди, деб эшитгандик, — деймиз ҳамроҳимиз қўйнига қўл солиб.

— Ҳа, директор. Жуда меҳнаткаш одам. Тиним билмайди, асарчилик билан шуғулланади, дехқончилик қилади. Фарзандларининг барчаси ўқимишли, қишлоқда ибратли хонадонлардан бири.

...Шинамгина ҳовлининг саҳни озода. Хонадон соҳиб-и Ҳикматилла ака бизни илик қарши олди. Арофат она эса келинларига бош бўлиб, ошхонада мевалардан консерва тайёрлаётган экан. Ҳикматилла ака билан суҳбатимиз самимий кечди. Уста ҳаётий тажрибалари ҳақида гап бошлади. Айниқса, ўтган йўлларда давомиди баъзи қийин-чиқарилар, бугунги дориламон кўнларга етиш учун чекилган захматлар, фарзандлар тарбияси, уларнинг имли, касб-корли бўлишлари учун қилинган саъй-ҳаракатлар, маориф соҳасидаги янгиликлар, асарчиликка қўл урган кезлари, ўғли юритаётган "Санганак гули" фермер хўжалигининг ишлари ҳақида ҳам мароқ билан сўзлаб берди.

Оиласида хотиржамлик ҳукм сурган хонадондан кут-баракат аримайди. Ҳикматилла ака ва Арофат аялар чин маънода муостаҳкам оиланинг бек ва бекларидир. Уларнинг тарбиясини олган фарзандлари бугунги кунда халқ ишига камарбаста. Шерали шифокор, Санжар фермер, Дилафруз ва келинлари ўқитувчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурраббийси, "Соғлом авлод учун" ордени соҳиб бўлган фидойи ўқитувчи Ҳикматилла Олимовни эса касбидан баракат топан инсон, десак янглишмаган бўламиз.

Дилфуза МИРОБИДОВА

Навоий вилояти

БУНДА МЕҲР МУЖИССАМ

Новий шаҳрида 1996 йилдан бунён фаолият кўрсатиб келётган «Шамс-Жамол» хусусий корхонаси ўтган йили Кармана тумани ҳудудидa паррандачилик фермаси барпо этди. Уттиз минг бош паррандага мўлжалланган ферма Украинанинг «Техна» компанияси билан ҳамкорликда замонавий технологиялар ва ускуналар билан жиҳозланди. Жорий йилнинг бошида эса 25 мингта уч ойлик жўжа келтирилиб, парварилшга бошланди. Бу билан корхонада 18 та янги иш ўрни яратилди.

Хусусий корхона фаолиятининг паррандачилик соҳасига йўналтирилишида «Асака» банкининг Навоий вилояти филиали кўмаги катта бўлди. Зотдор жўжалар сотиб олиш учун банк томонидан 450 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Корхона раҳбари Шаҳридин Жамолов тадбиркор инсон. У ишбилармонликни оддий ошхонани хусусийлаштиришдан бошлаган эди. Эндиликда унинг раҳбарлигида бир неча қандалатчилик цехи, савдо дўконлари, гўзаллик саломи фаолият юритяпти.

Қандалатчилик цехлари хориқдан келтирилган замонавий технологиялар ва ускуналар билан жиҳозланди. Бу ердан миқозларга 100 дан ортиқ турдаги қандалатчилик маҳсулотлари, жумладан, етти хилдаги торт, 21 хилдаги печенье ва турли хил булочка-

лар етказиб берилляпти. — Ютуқларимизнинг барчаси истиқлол берган имкониятлар, мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган беқийс шароит ва қулайликлар туфайли, — дейди тадбиркор Шаҳридин Жамолов. — Улардан унумли фойдаланиб, қандалатчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантирдик. Яқиндан бошлаб паррандачиликка ҳам қўл урди. Мақсадимиз 2015 йилгача улар сони 60-70 мингтага етказиш, ишлаб чиқариш суръатини ошириш, ет дастурхонини тўқин қилиш.

«Шамс-Жамол» хусусий корхонаси паррандачилик фермасининг дастлабки маҳсулотлари ҳам ўз харидорларини топа бошлади. У ерда ҳар кун олинаётган 1000 донадан ортиқ тухум корхона дўконларида сотилапти, «Навийазот» очик акциядорлик жамияти ва ша-

ҳардаги бир қанча ташкилот ҳамда муассасаларга шартнома асосида етказиб берилляпти.

— Корхона ташкил топанган бунён шу ерда ишлайман. Унинг дастлабки кўнлари билан бугунини қийслар эканман, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорликни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини қалбдан ҳис этаман, — дейди қандалатчилик цехи етакчи мутахассиси Мусаллам Қаршиева. — Бу корхона кўз ўнгимда улғайиб, кенгайиб бормоқда. Йил сайин ишлаб чиқариш ҳажми ва хизмат кўрсатиш маданияти ошяпти, ишчи-хизматчилар учун барча қулайликлар ярати бериляпти.

Жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз корхонасини ардоқлайди, унга бутун меҳрини бахшида этган ҳолда меҳнат қилади. Ана шу меҳр «Шамс-Жамол» ёрлиги билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатлиги ва рақобатбардорлигида, хусусий корхонанинг мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносиб совғалар хозирлаётганда акс этмоқда.

Абдурауф САТТОРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Фаргона вилояти



«ЯНГИ ҲАЁТ» НИНИНГ МАНЗУР МАҲСУЛОТЛАРИ

Фаргона вилоятида қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири — чорвачиликни ривожлантириш, етиштирилаётган гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашни тақомиллаштириш, шу орқали аҳоли дастурхонига сифатли тайёр маҳсулотлар етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон туманидаги "Янги ҳаёт" хусусий фермасида 600 бош зотдор қорамол парвартиш қилинмоқда. Ферма қошида сутни қайта ишлаш цехида 25 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланган.

Кунига бир ярим тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга цехда 14 турдаги сут маҳ-

сулотлари тайёрланмоқда. Айниқса, "Янги ҳаёт"да ишлаб чиқарилаётган музқаймоқ, қаймоқ, сметана ва твороглар кўпчиликка манзур бўлаёттир.

СУРАТДА: сутни қайта ишлаш цехи ишчиси Хуснида Абдурахмонова.

Муҳимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



«SEZAM» СОВУНЛАРИНИ ДОРИХОНАДАН ТОПАСИЗ

Атир совун қидирган харидор, табиийки, атторлик дўконига боради. Бугун ҳар қадамда учрайдиган минимаркет, супермаркет ва яна бошқа кўплаб "маркет"ларнинг барчасида атир совуннинг юзлаб ном ва шаклдаги турларини учратиш мумкин. Энг талабчан харидор ҳам баъзан қайси бирини танлашни билолмай, иккиланган қолади. Бироқ "Sezam" совунларини атторликдан излаб овера бўлмаган маъқул...

"Sezam" - шифобахш совун. Шу боис, дориҳоналарда сотилмоқда, - дейди дориҳона провизори қўлимга уч-тўрт хил совунни тўтқазар экан. - У асал, сули, кофе, какао, эфир ёғи каби шифобахш неъматлар, доривор гўблардан тайёрланади. Узимизда ишлаб чиқарилаётган бу махсулотта талабчи бораётганининг сабаби ҳам шунда. Тошкент шаҳрида 2011 йилдан буён фаолият юритаётган "Natek" компанияси томонидан "Sezam" савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган атир совунлар ўрик, бодом, кунжут, шафтоли, узум уруғи, зайтун, кокос, пальма ёғларидан тайёрланмоқда. Терини кураштирадиган, тортувчи ва аллергия кўзга туғчи моддалардан холи бундай совунлар эфир ёғлари ёрдамида ишлов берилиши унинг шифобахшлигини янада оширади.

Корхона мутахассисларнинг таъкидлашича, совун ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технология жараёнда совундаги ёғ ва қўшилмаларнинг барча хусусиятлари ҳамда совуннинг реакцияси натижасида ҳўл бўлган глицерин микдори тўла сақлаб қолинади. У синтетик махсулотларга нисбатан тегна яхши сингади. Шу боис "Sezam" совунлари терини тозалаш билан бирга уни тақши муҳитнинг салбий таъсиридан ҳимоялайди ва майиллаштиради.

Махсулот таркибидаги кунжут ёғида инсон организмни учун зарур моддалар кўп. Совунни тайёрлашда асосий эътибор унинг табиийлигига қаратилган. Мисол учун, кийик ўти қўшилган совун тинчлантириш, оғриқни қолдириш, яраларни тузатиш, антибактериал - антисептик хусусиятларга эга бўлиб, ёғли терини парваришладига яхши воситадир. Мойчекка кучли яллиғланган тўқималар тузаланиши тезлаштириш, лаванда тери қузиришининг олдини олади. Шальфей барглари тер ажаллишини камайтириш ва юмша-

тиш хусусиятларга эга бўлгани боис ундан тайёрланган совун тери ва соч парваришида, қазақни йўқотишда ажойиб воситадир. Корхонада ишлаб чиқарилаётган совунлар қарийб икки ой давомида қурилади ва икки йилгача ўзининг яроқлилигини сақлайди. Айни кунларда мамлакатимизда етиштирилган хомашёларга асосланган махсулотлар турини ошириш мақсадида қовоқ, наъматак, арча ёғидан ҳам фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Яқин-яқингача мамлакатимиз атир совун экспорт қилишини ҳатто тасаввур ҳам қила олмасдик. Айни пайтда дунёнинг турли мамлакатларига юксак сифатли, халқаро талабларга мос ўз махсулотларимиз экспорт қилинмоқда. "Sezam" савдо белгиси билан тайёрланаётган совунлар АКШ, Хитой, Дания, Озарбойжон, Грузия ва Украинага экспорт қилинаётган. Бу эса ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш имконини беришди.

Совун ва косметик воситалар ишлаб чиқариш ҳозирда сердаромад соҳалардан ҳисобланади. Бир пайтлар йирик шахарларимизда ҳам кам учрайдиган ишлаб чиқариш корхоналари бугун юртимизнинг деярли барча ҳудудларида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Наманган шаҳрида корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Unliever chemical» корхонаси улардан биридир.

Совун, шампунь ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона махсулотлари ҳажми йил сайин ортиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Мисол учун, корхона ташкил этилган 2010 йилда бир юз қирқ минг килограмм атир совун ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида эллик етти минг килограммдан зиёд атир совун, қарийб қирқ олти минг дона шампунь, ўн минг донадан ортиқ суоқ совун тайёрланди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун яратилган қулай имконият ва имтиёзлар самарасида «Lilit Rush Cosmetics», «Angeline Cosmetics», «Rainbow Cosmetics» каби ўнлаб компания, хусусий ва кушма корхоналар сифати халқаро андозаларга мос, рақобатбардор совун тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Натижада бозорларимиз, савдо марказлари юзлаб турдаги ана шундай махсулотлар билан тўлмоқда.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА шарҳловчиси.

НОҚОНУНИЙ ЖЎНАТМАЛАР

Ҳар ким ўзи хоҳлаган динига эътиқод қилиш эркинлиги мамлакатимизнинг Бош қомуси билан мустаҳкамлашиб қўйилган. Аммо фуқароларга диний таъсир ўтказиш, уларни бир диндан чиқиб, бошқасига киришга ундаш, шу мақсадда турли диний мазмундаги адабиётларни тарқатиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш амалдаги қонунларга кўра мумкин эмас.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармоннинг 5-илова-сига мувофиқ, давлат қурилишига қарши, ҳудудий бирликни, давлат суверенитети ва сиёсий мустақиллигини бузишга йўналтирилган, урушни, террорни, диний қарама-қаршиликни, миллатчиликни, расизмни (антисемитизм, фашизм) пропаганда қилувчи қўлёзмалар ҳамда порнографик мазмундаги расмлар, фото, фотоплёнкалар, негативлар, кино, видео ва аудио махсулотларни Ўзбекистон

Республикаси ҳудудига олиб кириш тақиқланган.

Яна бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасида эса чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспортдан ўтказилганидан кейингина амалга оширилиши таъкидлаб ўтилган.

Яъни, диний адабиётларни олиб келиш, сотиш ва тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича

қўмитанинг руҳсати билан амалга оширилади. Бунда қўмита экспертлари бошқа давлатлардан республикамизга олиб кирилаётган диний мазмундаги медиа ва матбаа махсулотларини ўрганиб чиқиб, уларни республикамиз ҳудудига сотиш, тарқатиш ва намойиш қилиш юзасидан ҳал қилувчи хулосаларини беришади.

Аммо айрим шахслар мазкур тартибларга риоя қилмай, турли диний мазмундаги адабиётларни ноқонуний равишда республикамизга олиб келишга ҳаракат қилишмоқда.

Республикамиз бошқоначилари томонидан диний адабиётларнинг ноқонуний олиб ўтилишига қарши мунтазам чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Яқинда "Бошлонтам" бошқона почта ходимлари томонидан баъзи почта жўнатмаларини бошқона қўриғидан ўтказиш натижасида диний мазмундаги материалларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, ўрапеталик К.Р. номига йўлланган почта жўнатмасидаги буюмлар орасида "Ежегодник Свидетелей Иеговы 2012", "Что Бог Говорит нам через Иеремию" номли миссионерлик руҳидаги диний китоблар, "Свидетели Иеговы" номли тақдим борлиги аниқланди.

Андижонлик М.О. номига келган почта жўнатмасидаги буюмлар орасида эса нафақат босма, балки аудио шаклидаги диний материаллар ҳам борлиги фож қилинди.

Тошкент шаҳар бошқона бошқармаси "Келес" темир йўл бошқона пости ходимлари "Уфа — Тошкент" йўналишидаги поезд йўловчиларидан бири фуқаро У.Г.нинг қўл юкларини бошқона кўриғидан ўтказиш чоғида, унинг бошқона баённомасида кўрсатмасдан ҳамда озаки сўровда маълум қилмасдан туриб, диний мазмундаги бир нечта адабиётларни олиб киришга уринганини фож қилишди.

Юқоридаги адабиётлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг тегишли хулосасига кўра, Республика ҳудудига олиб кириш мумкин эмас, деб топилди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан бошқона сурштирувлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар бошқона бошқармаси Ахборот хизмати

Реклама ва эълонлар

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатиغا!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҚЎЙДАГИ ИНШОТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Наманган вилояти Наманган шаҳри Лутфий кўча 7-А уйдаги вилоят адлия бошқармасининг маъмурий биносини мукамалл қайта қуриш.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 1 458 359 597 сўм, ҚҚСсиз 1 215 299 664 сўм.

Яқунлаш муддати - 2013 йил 1 июль.

Буюртмачи: Наманган шаҳри Лутфий кўчаси 6-уйда жойлашган Наманган вилояти адлия бошқармаси. Тел.: (8-369) 226-36-62, 226-68-66.

Лойиҳани молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади. Дикқат. Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган микдоридagi айланма маблағга ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш

учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг маъқуллигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориқ қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:

Катнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолаш ва ўтказишда хориқ ишларини (хизматларни) таъминлаш бўйича танлов тақлифлари берилганда хориқ товарларни етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ микдорини берилган тақлифга қўшимча

равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзилга: Наманган шаҳар Навоий кўча 22-уй. Тел.факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи - 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати - оферталарни очилиш кўни ва соати.

Тақлифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қўйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Навоий кўча, 22-уй.

Территориалний консалтингий центр по конкурсым торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области сообщает, что в объявлении, опубликованном в газете "Кишлоқ ҳаёти" от 02.08.2012 г. № 91(8016) в шестом абзаце после слов "следующим требованиям." следует читать такое дополнение: "требуется лицензия по осуществлению данных видов услуг."

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМАТИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚЎЙДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Жиззах шаҳридаги 5 қаватли 48 хонадонли турар жой биносини қуриши"

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 4 272 041 418 сўм, ҚҚС билан 5 126 449 702 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2012 йил 25 декабрдан.

Ишларни молиялаштириш банк ипотека кредити маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 100-уй. Телефон: (8-372) 222-46-40.

Дикқат! Бошланғич қиймати 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қўйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% микдоридagi айланма маблағларига ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов тақлифлари баҳолашда маҳаллий пудратчилар учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида қончиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси - Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи - 150 минг сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферентларнинг танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати - оферталар очилиш кўни ва соати.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.

Утернюю трудовую книжку, выданную на имя Юдашевой Светланы Раджаповны, считать недействительной.

ООО "PLC ASIA" (ИНН 301138886), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусбадского р-на г. Ташкента (реестр № 004641-10 от 13.04.2009 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент пр. А.Темур д. 107 "Б", ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

СП ООО "UK YOUNG YANG" (ИНН 209898204), зарегистрированное Управление юстиции Ташкентской обл. за № 318 от 08.01.2009 г., уведомляет о смене регистрирующего органа и уменьшения размера уставного фонда до 3 634 900 сум.

ООО "DUSTAR SERVICE" (ИНН 301940594), зарегистрированное ИПСФ при хокимияте М.Улугбекского р-на г. Ташкента (07.04.2011 г., реестр № 006430-04), расположенное по почтовому адресу: Республика Узбекистан, г. Ташкент, М.Улугбекский р-н ул. Кодирова д. 25 к/ра 11, ликвидируется (в соответствии с решением учредителя № 3 от 17.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение 3-х месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Кодирова д. 25 к/ра 11.

Утерняный аттестат о среднем образовании U № 0411713 от 26.06.2003 г., выданный средней школой № 144, Яккасаройского р-на г. Ташкента на имя Алиевой Нодирой Набоковой, считать недействительным.

Утерняный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Чилансар-18 д. 3 к/ра-28, выданный БТИ Чилансарского р-на на имя Кодирова Сатмура Бекбаева, считать недействительным.

ИП ООО "SHAEIL TEKSTIL", сообщает об уменьшении уставного фонда от 200 000 долларов США на 171 432,50 долларов США. В связи с уменьшением уставного фонда претензии принимаются по адресу: г. Ташкент ул. Г.Гулом д. 5.

Утерняный план квартиры по адресу: г. Ташкент Мирабодский р-н м-н Куйлюк 1 д. 11 к/ра 28, выданный БТИ Мирабодского р-на г. Ташкента на имя Хохловой Валентины Ивановны, считать недействительным.

Тошкент ш. М.Улугбек т. ТСРПИ томонидан (27.07.2012 й.) реестр рақами 007521-04) Тошкент ш. М.Улугбек т. Буюк йлак кўчи кўр. 434-уй манзилда жойлашган Хорйўл sarmoya ishtrikidagi "BEST MODA TEXTILE" mas'uliyati cheklangan jamiyati (СТПР 301029602) юттерней равишда тугатилди (Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги жамият қатнашчиларининг 2012 йил 6 августдаги 2012-04-08-сонли қарор). Эътирозлар 2 ой муддатда қабул қилинади.

«KOSIMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-қарори ва Сирдарэ вилояти Сайхунобод тумани ҳокимининг 2012 йил 27 июлдаги 798-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Майиш хизмат ва спорт мажмуаси комплексини қуриш учун, Сирдарэ вилояти, Сайхунобод тумани, Иттифок ҚФЙ, Дўстлик маҳалласи ҳудудидagi собиқ клуб биносидан бўшаган ер майдонидан 1 дна, умумий майдони 4660,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 650 852 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Сайхунобод тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шахарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шахарсозлик топшириғи нусха-

си талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йил сентябрь ойигача амалга оширилиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 6 сентябрь кўни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи микдоридagi закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномасида кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Сайхунобод тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 7 сентябрь кўни 11:00 да очилади. 2012 йил 7 сентябрь кўни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов холими билан қўшимча тақлифларни қабул қилиш мумкин.

би аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов холими деб топиллади.

Юқоридagi ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 7 сентябрдаги танловда сотилганга тақдирда, унинг тақдирини танлов савдоси 2012 йил 24 сентябрь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтшини олдиндан маълум қиламиз.

Тақдирини танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 23 сентябрь соат 18:00 тўхтатилади.

Тақдирини танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Сайхунобод тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 24 сентябрь кўни 11:00 да очилади. 2012 йил 24 сентябрь кўни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов холими билан қўшимча тақлифларни қабул қилиш мумкин.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси - "KOSIMAS MULK

SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сирдарэ вилояти филиали. Танловда қатнашиш истиадаги бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисида танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари микдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатлари

рида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: ДАТ (ОАК) "Аскабанк" Сирдарэ вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТПР: 20712519.

Андижон вилояти

«Чўнтак»ДА ПАЛОВ САЙЛИ

Юртимизнинг бошқа гўшалари сингари Асака ҳам кун сайин чирой очиб бормоқда. Айниқса, Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини муносиб кутиб олиш борасида амалга оширилган кенг қамровли чора-тадбирлар боис ҳар кун бир янгиликка, бунёдкорликка дуч келасиз. Бир-биридан чиройли кўркем бинолар, гулзорлар, хийбонлар... Ана шу ободлик, бунёдкорлик асакаликларнинг шижоатини янада оширомоқда, юрагида, қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғотмоқда.



Истиклол шарофати билан Асака мамлакатимиз автомобилсозлик саноатининг марказига айланди. Бугун бу ерда тайёрланаётган турли русумдаги енгил автомобилларнинг харидорлари нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам бисёр. Хабарингиз бор, шу кунларда Андижон вилоятида "Андижонни кўркем ва обод вилоятга айлантирайлик" кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда. Ана шу танловнинг Асака туманидаги тақдироти давомида улкан бунёдкорлик ишлари яна бир бор барчанинг кўз унгида намойиш бўлди. Ҳар бир хонадон, кўча, маҳалла, меҳнат жамоалари ушбу тадбирга муносиб ҳозирлик кўришгани боис, голибларни аниқлаш ва тақдирлаш ҳақамлар хайъати учун осон бўлмади. Кўрик-танлов давомида асакаликларнинг меҳмоннавозлиги белгиси бўлмиш "Палов сайли" бўлиб ўтди. Байрамга айланб кетган тадбир барчага мамнунлик бахш этди. Шу кунги Маданият ва истироҳат боғидаги қалби бунёдкорлик, яратувчанлик туйғуси билан жўш урган, эртанги кунга ишончи банд одамларни кўриб, дилингиз яйраб кетарди. Вилоятнинг барча шахар ва туманлари-



дан келган ошпазлар ош пишириш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. "Чўнтак" чойхонасида ўтказилган ушбу беллашув кизикarli ўтди. Унда водийнинг ҳар томонидан меҳмонлар ташриф буюришди. Девзира гуручнинг энг расини танлаган ва ундан палов тайёрлаган ошпазларнинг маҳоратига, таъбир жоиз бўлса, санъатига барча тан берди. Танловда голиблик мезбон ошпаз Мирзохид Исломовга насиб этди.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Тошкент вилояти

Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида "Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи" мавзусида конференция ўтказилди.

ОИЛА ВА МАҲАЛЛА

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Адлия вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан икки юзга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди. Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида озода ва фаровон ҳаётни таъминлаш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, оила институти ва унинг кадрятларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишлар қўлами янада кенгаймоқда. Конференцияда жамъият маънавий-ахлоқий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашда фуқаролик жамъияти институтлари фаолиятини кучайтириш, ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасаларининг роли ва ўрнини ошириш каби масалалар бўйича маслаҳатчилар тингладилар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди. **Л.СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.**

Реклама ва эълонлар

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИЖТИМОИЙ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти "Термиз" аэропортидаги расмий меҳмонларни қабул қилиш биносини мукаммал таъмирлаш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 610,260 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 508,550 млн. сўм, қурилиш муддати — 3 ой. Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. **Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ижтимоий компанияси. Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел. (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85 ф. **Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озода этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади. Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган объектлар бўйича офёрталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устуңлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — "Давархитектурлиш" кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм. Тақлифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати офёрталар очилиши кунини ва соати. Тақлифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

LIZINGGA SOTILAMAN

Маҳсулот сертификатланган

+998(71) 148 8080

JV MAN Auto-Uzbekistan

г. Тошкент, ул. М. Улугбека, 30.
Тел.: (998-71) 148-80-80.
Факс: (998-71) 268-56-25.
e-mail: info@man-uz.
www.man-uz

МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Зискаватор-погрузчик ЗБ-Ф-Н (Б) Бульдозер
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Шины различных моделей
- Зискаватор-погрузчик цепной ЗБ-Ф-Ц
- Асфальтозоз
- Подъемники БЛ-99
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2

Махсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

АГРОМАШ

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

BT-150, BT-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниязбек йули кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Call: www.chetra-tashkent.ru

ПРЕССПОДБОРШИК КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

«Agtech Agri» шўъба корхонаси Тошкент шаҳридаги омборхонадан Италияда ишлаб чиқарилган ҳашак, сомон йиғиш (прессподборшик) техникасини тақлиф этади.

Шунингдек, Юлф Дегае компаниясининг барча турдаги йиғиш ҳўжажи техникалари ҳамда JCB (Англия) компаниясининг ЭКСКАВАТОР, ЭКСКАВАТОР-ПОГРУЗЧИК ва йўл-қурилиш техникалари отказиб берилади.

Манзили: Тошкент ш. Навоий кўчаси, 3/7.
Телефонлар: (+99871) 244-69-79; (+99871) 241-02-29.
E-mail: info@agtech.uz www.agtechagri.uz

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчас мундари кўмитаси" ДУК томонидан жисмоний шахс Убайдуллаев Шўқрулла Луғуллоев номга 17.05.2012 й.да берилган № 3199-сонли (форма 18) маълумотномаси йўқолганини сабаб-ли бекор қилинади.

Утериний план квартири по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. А.Фитрат д. 81Б кв-ра 3, выданный БТИ Мирабадского р-на на имя Ибрагимова Абдумалика Абдиримовича, считать недействительным.

Тошкент ш., Ҳамза т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан рўйхатдан ўтган "SERZOD KOMMUNAL" (СТПР 205536770) Хусусий уй-йўқ мулкдорларининг ширкатида тўғилиш дуомалоқ муҳр ва бурчақ штамп йўқолганини сабаб-ли бекор қилинади.

Утериную круглую печать ООО "MUMCU TEXTILE" (ИНН 301744544), зарегистрированную отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимната Шайхантахурского р-на г. Ташкента, выданную разрешительным отделом Шайхантахурского РОВД, считать недействительным.

Утериний план квартири по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н 2 проезд ул. Фаргона йули 119/33-33, выданный Мирабадским БТИ на имя Хайдаровой Хуршиды Насиллаевны, считать недействительным.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ТСРҲИ томонидан рўйхатдан олинган "ZETLAND GROUP" МЧЖнинг Устав фонди 27 000 000 сўмдан 18 000 000 сўмга камайишини ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шакли "ZETLAND GROUP" ХКга ўзгартишини маълум қилади.

Утериний план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н ул. Фаробий проезд Хурят д. 84, выданный БТИ Алмазарского р-на на имя Каюмова Гани и Каюмовой Мукаммад Рахманбердиевны, считать недействительным.

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчас мундари кўмитаси" ДУК Утчала т. кўмитаси томонидан Баймухамедова Дилдора Абдураҳмонова, Баймухамедов Мурод Абдураҳмонович, Баймухамедова Улҳажа Юсуфова номга 10.05.2011 й.да берилган № 1798 сонли маълумотнома йўқолганини сабаб-ли бекор қилинади.

Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехнология комплекси тарихидидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБОВЕ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар КУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шероод УЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий сийёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-366) 921-50-08; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фаргона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жаобгар

Навбатчи муҳаррир: АНУРУЛЛАЕВ
Мушоҳирос: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.СОБОМУХАММЕДОВА